

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари –
Харид комиссияси раиси
Ж.Ходжаев



[Handwritten signature]

2022 й.

Ёшларга бизнес билан шугулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган “Коучинг” видео материаллар тайёрлаш юзасидан

**ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ БУЮРТМАСИ АСОСИДА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ
ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 й.

X-10

КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

I. Умумий маълумотлар

1. **Тўлиқ номи:** Ёшларга бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган “коучинг” видео материалларни тайёрлаш.
2. **Буюртмачи:** Ёшлар ишлари агентлиги
3. **Хизмат кўрсатувчи:** Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аниқланади.
4. **Хизматларнинг максимал нархи:** 900 000 000 (тўққиз юз миллион) сўм.
5. **Хизмат кўрсатиш муддати:** 31.12.2022 йилга қадар.
6. **Молиялаштириш манбалари:** Бюджет маблағлари ҳисобидан.

II. Хизмат кўрсатиш учун қўйиладиган минимал талаблар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги талабларни эълон қилади:

1. Ёшларга бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган “Коучинг” видео материалларни тайёрлаш.

Ҳар бир видео материал давомийлиги 1-1,5 соатни ташкил қилиши, видео материаллар сони 50 тани ташкил қилиши лозим.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун минимал талаблар:

- Видео материалларда тадбиркорлик бўйича катта билим ва тажрибага эга, ўз ўрнида тадбиркорлик соҳасида муваффақиятга эришган ҳамда ёшлар орасида катта ҳурматга сазовор бўлган таниқли тадбиркорлар ва бизнес тренерлар иштирок этиши лозим;

- таниқли тадбиркорлар ва бизнес тренерларнинг лойиҳада қатнашуви юзасидан барча мажбуриятлар иштирокчи томонидан амалга оширилади. Буюртмачи таниқли тадбиркорлар ва бизнес тренерларнинг мазкур лойиҳада қатнашиши бўйича розилиги юзасидан ҳеч қандай мажбурият олмайди;

- иштирокчи томонидан тақдим қилинган рўйхатдаги таниқли тадбиркорлар ва бизнес тренерлар (камида 10 нафар) лойиҳада қатнашиши учун харид комиссияси томонидан танлаб олинади;

Шунингдек, рўйхатдаги шахсларнинг лойиҳада иштироки юзасидан Буюртмачи томонидан қўшимча маълумот талаб қилиниши, рўйхатдаги шахслар сонига, таркибига ўзгартириш, қўшимча киритиш талаб қилиниши, рўйхатдаги машҳур шахсларнинг жамиятдаги тутган ўрнига қараб рад қилиниши мумкин.

Мазкур талаблар иштирокчи томонидан қисман ёки тўлиқ бажарилмаган, рад этилган ёки эътиборсиз қолдирилганда иштирокчи танловдан четлатилади.

- тасвирга олиш ишларида иштирок этувчи таниқли тадбиркорлар ва бизнес тренерларнинг мазкур лойиҳада қатнашиши бўйича розилиги олинмасдан ҳужжатлар топиширилиши - иштирокчининг харид комиссияси томонидан танловдан четлатишга асос бўлади;

- танлов иштирокчисининг ёшлар ўртасида тадбиркорликни тарғиб қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш йўналишида амалга оширган ишлари ҳамда тажрибаси тўғрисида тасдиқланган маълумот;

- танлов иштирокчиси томонидан тасвирга олинishi режалаштирилган «коучинг» видео материаллар мавзулари, спикерлари тўғрисида маълумот;

- танлов якунига кўра ғолиб деб топилган иштирокчи томонидан тақдим қилинган рўйхатдаги таникли тадбиркорлар ва бизнес тренерларнинг тасвирга олиш ишларида қатнашмаслиги ва/ёки рўйхатдаги таникли тадбиркорлар ва бизнес тренерларнинг иштирокчи томонидан ўзгартирилиши, алмаштирилиш, лойиҳа мазмунидан алоқадор бўлмаган мавзуда тасвирга олинishi, аввал ишлатилган кадрлардан фойдаланилиши каби ҳолатларнинг кузатилиши шартнома шартларини кўпол равишда бузилиши ҳисобланиб, шартномани бекор қилишга ва қонунда белгиланган тартибда жарима қўлланилишига асос бўлади.

III. Бадий-техник қием.

- Ёшларга ўзининг турмушини яхшилаш, касб-ҳунар ва бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган «коучинг» видео материалларда иштирок эувчи спикер, ментор, коучлар мамлакатимизда юқори нуфузга эга, ўз касбининг мохир устаси бўлган тадбиркорлар ва бизнес тренерлар иштирокида ишлаб чиқилиши лозим;

- Иштирокчи томонидан роликда қатнашувчи камида 10 нафар тадбиркорлар ва бизнес тренерлар рўйхати тақдим қилиниши лозим;

- Мазкур рўйхатда номлари тилга олинган тадбиркорлар ва бизнес тренерлар иштирокида видео материаллар тасвирга олинishi лозим;

IV. Ёшларга бизнес билан шуғулланиш орқали даромад топиш ҳамда уларга бундай фаолиятни йўлга қўйишнинг амалий жиҳатларини ўргатишга қаратилган “коучинг” видео материалларнинг тавсиявий йўналишлар рўйхати:

1. Бизнес психология.
2. Бизнес асослари.
2. Бизнесни бошқариш.
3. Бизнесни тизимлаштириш.
4. Маркетинг.
6. Экспорт.
7. Бизнесни масштаблаштириш.

V. Спикерлар қўйиладиган талаблар:

1) Тадбиркорлик соҳасида муваффақиятга эришган, катта тажрибага эга бўлиши;

2) Бугунги кунда юқори ривожланишга эришган, брендга айланган маҳсулот ва/ёки хизматлар ишлаб чиқарувчиси/раҳбари/асосчиси бўлиши;

3) Тадбиркорлик соҳасидаги семинар-тренинг, маҳорат дарсларида спикер сифатида иштирок этиш тажрибасига эга бўлиши лозим. Аввал шу кўринишдаги лойиҳаларда иштироки тажрибаси тақдим қилиниши лозим;

4) Спикерлар ижтимоий тармоқлар ўз ҳамда жамоавий саҳифалари орқали ёшларни тадбиркорликка жалб қилиб бориши, уларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ёшлар орасида оммабоп бўлиши лозим. Ижтимоий тармоқлар ўз ҳамда жамоавий саҳифалари тўғрисида маълумот тақдим қилинади;

5) Спикерлар ёшлар орасида ҳурматга сазовор, катта обрў-эътиборга эга бўлиши талаб этилади.

VI. Видео материални тасвирга олиш учун минимал техник талаблар:

Видеоформат 4K, 16:9 формат, 25 bitrate ва ундан юқори.

Овоз бўйича талаблар: AAS форматдаги 160 kb/S - стерео сифатда ва ундан юқори.

Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича талаблар:

Видео материаллар Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги шартнома кучга киргунга қадар, шунингдек, Буюртмачига тақдим этилгунга қадар ОАВ ва бошқа воситалар орқали оммага эълон қилинмаган, тарқатилмаган бўлиши талаб этилади.

Ушбу талабга риоя қилинмаган ҳолларда Буюртмачи томонидан видеоматериаллар қабул қилинмайди

Видео материални яратишнинг барча босқичларида маҳсулотни яратувчи амалдаги конунчиликка риоя қилган ҳолда видео материалдаги тасвирлар, ёзув кўринишидаги матнлар, товушлар, мусиқалар, овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Тақдим этилган видео материалда муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолатда, қайта таҳрир қилиш талаб этилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда видео материал Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.

Видео маҳсулотни ишлаб чиқувчилар видеонинг бошланғич қисмида буюртмачининг логосини жойлаштириши талаб этилади.

Бажарувчи видео материалларни яратиш доирасида юзага келадиган мажбуриятларни ўз кучи ва/ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг) жалб қилган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Шу билан биргаликда, ишлаб чиқилган видео материаллар ишлаб чиқувчининг муаллифлик ижодий мулки ҳисобланиб, танлов тасдиғидан ўтган видео материалларга нисбатан Буюртмачи улардан эркин фойдланиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга бўлади.